

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ТАРИХ ФАНЛАРИНИНГ ЎҚИТИШНИ ЎЗИГА ХОС МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Абдуллаева Дилрабохон Зумратбековна,

Андижон вилояти Олтинкўл тумани 12-умумтаълим мактаби
тарих фанлари ўқитувчиси, АДУ мустақил илмий тадқиқотчиси

Аннотация

Мақолада умумтаълим мактабларида тарих фанларининг ўқитишнинг услуб ва усуллари, интерфаол ёндошувли самарали жиҳатлари ҳамда бу борадаги мавжуд ўзига хос муаммоларнинг педогогик маҳорат ва педогогик технологиялар асосидаги ечимларига оид таклифлар ёритилган.

Калит сўзлар: умумтаълим мактаби, тарих фанлари, таълим методлари, интерфаол усуллар, педагогик маҳорат, педагогик технология.

Умумталиим мактабларида тарих фанларини ўқитишда янги услуб ва усуллардан фойдаланиш ўқувчиларга фан предметини ўргатишда самарали натижаларга олиб келиши илмий жиҳатдан асослаб берилган. Айниқса, мактабларда тарих фанини ўқитишда кўрғазмали воситалар ва манбалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Улардан дарс жараёнида кенг фойдаланиш ўқувчиларда тарихнинг муайян даврига нисбатан қизиқишини ортишига, белгиланган мавзуларни тушуниш ва англашга, тасаввурларини кенгайтишига хизмат қилади.

Умумтаълим мактабларида тарих дарсларини ўқитишда кўрғазмали воситалар ва манбалардан фойдаланиш тарих дарсларининг сифат ва самара-дорлигини ошириш, ўқувчиларнинг тарих фанига бўлган қизиқишини оширишда турли методик усуллар кенг тарғиб қилинмоқда. Бу билан ўқувчиларда ижодкорлик ва изланувчанликни ривожлантириш мақсад қилинган. Шунини таъкидлаш керакки, ўтмиш аждодларимизнинг фидоийлигини ўрганиш ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Тарих фанларини ўқитиш ва ўргатишда мавҳум тасаввур билан ёки турли саналар, шахслар ва жойлар номини ёдолдириш орқали ўргатиш замон талабига мутлақо жавоб бермайди. Яна бир жиҳат, тарих фанларини тизимли ўрганиш, олдинги синфларда ўрганилган даврларни кейинги синфлардаги тарихий воқеа ва ходисалар билан боғлаш жуда муҳим ҳисобланади. Ижодкорлик руҳини уйғотиш услубида тарих дарсларидаги ижодий топшириқларни бажариш тушунилиб, бунда ижодий иш ёздириш йўли билан ўқувчиларда ёзма нутқни ривожлантириш, тарихий саналар, воқеалар, шахслар ва тарихий жойларни тасаввур қилиб, уни ёзма ифода этиш орқали шакллантирилади.

Тарих дарслари доирасида ижодий ёзма ишлар учун мавзуларнинг турли-туман эканлиги ўқувчининг қизиқишини оширади. Албатта бунда ижодий иш топшириғидан

келиб чиқиб, мавзуга оид муаммоли вазиятни юзага келтириш мақсадга мувофиқдир. Муаммоли вазиятнинг аҳамияти шундаки, у ўқувчилар диққатини бир жойга (муаммога) қаратади ва ўқувчиларни тарих бўйича изланиш ва фикрлашга ўргатади. Муаммоли вазиятни яратганда ўқитувчи ўқувчилар эътиборни нималарга қаратишлари кераклигини айтиши керак. Муаммоли вазиятни вужудга келтириши, муаммони ҳал қилиш учун ўқувчиларнинг фаол иштирокини таъминлаши, мустақил фикр юритишга жалб қилиши талаб этилади.

Тарих фани ўқувчининг ўтмишининг мазмуни ва моҳиятини англаш, бой маънавий ва маданий меросимизни қадрлаш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ўргатади. Ўқувчи қалбида эзгулик ва яхшилик туйғуларини шакллантириб, бугунги авлод кимларнинг авлоди эканини намойиш этиб, кимларнинг зоти ва ворислари эканини тушунишга йўналтиради.

Бахс мунозараларда тарихий фактлар, воқеалар, жараёнлар ва ходисаларни ижодий тушуниш ўтмишни йўқолган тарихий элементлари нуқтаи назаридан кўриб чиқишда маълумотни танқидий баҳолаш ва мураккаб муаммоли муаммоларни ҳал қилиш билан бирлаштирилади. Тарих фани ўқув машғулотларини муҳокамалар, мунозаралар, ролли ўйинлар ва бошқалар шаклида ўтказиш, агар ўқувчилар бошланғич билимларга эга бўлган мавзулар бўйича олиб борилсагина юқори самара беради. Тарих фанларини ўқитишда ҳар бир янги мавзу олдидан муаммоли савол бериш, унинг келгуси тақдиротини фаоллаштириш, уни идрок этиш ва тингловчилар томонидан талаб қилинадиган билимлар омили ўртасидаги қарама-қаршиликни йўқ қилади. Бундай маъруза тингловчиларнинг шахсий фаоллигини рағбатлантирадиган, тадқиқот жараёнига тақлид қилиб, унинг махсус ақлий зўриқишини юзага келтирадиган диалогга айланади. Шу билан бирга, дарс давомида ўқитувчи ҳам, унинг ўқувчилари ҳам мунозаранинг асосий масалаларини илгари суришда фаол иштирок этадилар.

Хулоса қилиб айтганда, умумтаълим мактабларида тарих фанларини ўқитиш методикасида таълимнинг турли усул ва воситалари илмий жиҳатдан асослаб берилган. Ўқитувчи танлаган дидактик материалнинг мазмун ва характерида келиб чиқиб, унга мос тарзда усул ва воситаларни қўллаб, таълимий фаолиятига тўғри жорий қилишни йўлга қўйса, ўқувчининг фаоллигини ошириш масаласининг ечими ҳал этилган бўлади. Тарих ўқитувчиси ўқувчиларга тарихий даврлар воқеа ходисалари ва жараёнларни айнан ўзини кўрсатиб бераолмайди, фақат гапириб беради, кўрсатса чекланган кўргазмали воситалар ва манбааларни кўрсатиши мумкин. Ўқувчилар тарихдан маълумот берувчи ҳақиқий буюм ва нарсаларни жуда қизиқиш ва хаяжон билан ўрганадилар. Шунинг учун ҳам мактабда тарихий кўхна обидалар, музейлар ва ёдгорликларга сайрлар, зиёратлар ва кўргазмали чиқив машғулотларини ташкил этиш катта самара беради. Тасвирий ўргазмали қуроллар тарихни ўрганиш методикасида ҳаммадан кўп қулланилди. Булар, ўт мишдан қолган ҳақиқий асл нусха ҳужжатлар

асосида яратилган тасвирий кўргазмалар, ҳужжатли фотосуратлар ва ҳужжатли кинофильмлар, предмет ёдгорликларининг тасвирлари, меҳнат қуролилари, маданий ёдгорликларининг тасвирлари ва шу кабилар, тарихий архитектура ва бошқа ёдгорликлар тасвири, рўзғор буюмлари ёки улар тасвири, рассомлар кўргазмалар, тарихий макетлар, моделлар ва бошқалар ҳисобланади. Кўргазмали қуролиларни танлаш ва улардан фойдаланишда ўқитувчи ўқувчиларнинг ёши, билими ва малакасини, дарс учун танланган кўргазмали қурол мазмуни ва ғоявийлиги жихатидан талабга жавоб бераишини, синф ўқувчиларига мос бўлишини ҳамда кўргазмали қуролилар сони кўпайтириб юборилмаслиги лозим. Умумтаълим мактабларида тарих фанларини ўқитишда мавжуд ўзига ҳос муаммоларнинг ечими фан ўқитувчисининг педогогик маҳорати ва педогогик технологиялар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А. Саъдиев Мактабда тарих ўқитиш методикаси Тошкент. «Ўқитувчи», 1988
2. А. Саъдиев Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиш Тошкент. «Ўқитувчи», 1993
3. Т.Тошпўлатов, Я.Ғаффоров Тарих ўқитиш методикаси. –Тошкент: Университет, 1999.
4. Т.Тошпўлатов, Я.Ғаффоров Тарих ўқитиш методикаси Тошкент. «Университет», 2002.
5. Ж.Йўлдошев, С.Усмонов, Замоनावий педагогик технологиялар. – Тошкент, 2008.
6. Р.Усмоналиева, Тарих фанини ўқитишнинг янги ёндашувларини қўллаш муаммолари, "Science and Education" Scientific Journal илмий журнали, 1 жилд, 1-сон, Тошкент, 2021
7. Н.Бозорова, Умумтаълим мактабларида тарих дарсларини ўқитишда маҳаллий анбалардан фойдаланиш методикаси, Ўтмишга назар журнали, 4 жилд, 7-сон, Тошкент, 2021.
8. Э.Нурматова, Проблемы обучения исторической науки в школе, Талим фидоийлари, 2022.
9. Г.Муратова, Тарих фанини ўқитишнинг кўргазмали методлари ва улардан фойдаланиш йўллари, Наука ХХI века илмий журнали, 2021.